13.1. Таклиф берилганидан кейин танлаш иштирокчиси танлаш таклифига ўзгартеришлар киритиши ёки уни хисобдан чикариши мумкин, шу шарт биланки, ушбу ўзгартеришлар ёки таклифни хисобдан чикариш хабари таклифларни бериш муддати ичida ёзма равишида танлаш ташкилотчисига тақдим этилган бўлса.

13.2. Танлаш иштирокчиси киритаётган ўзгартеришлар ёки таклифни хисобдан чикариш ҳакидаги хабарнома мазкур йўрикноманинг 11.5, 11.6, ва 11.7-бандларига биноан тайёрланган, мухрланган ва белги кўйилган бўлиши ҳамда 12.1-бандда кўрсатилган танлаш таклифларини бериш муддати тугамасдан олдин етказиб берилиши керак.

13.3. Таклифлар бериш муддати тугагандан кейин таклифларга ўзгартеришлар киритишга йўл кўйилмайди.

## **XIV. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ ОЧИШ ВА БАХОЛАШ**

14.1. Танлаш буюртмачининг манзилида ўтказилади, агарда ТАЖда бошка ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

14.2. Таклифлар (1 ва 2-йиғма жиллар) солинган конвертларни очиши катнашиш истагини билдирган танлаш иштирокчисилар ёки уларнинг ваколатли вакиллари хозирлигига ТАЖда кўрсатилган манзилда, эълон/таклифнома ёки хабарномада кўрсатилган кун ва соатда ўтказилади.

14.3. Танлаш иштирокчиларни хозир бўлган ваколатли вакиллари ўзларининг иштироки ҳакида гувоҳлик белгиси сифатида реестрга ўз имзоларини кўйишлари керак.

14.4. Танлаш комиссияси таклифларини хисобдан чикариш ҳакида хабарнома йўллаган танлаш иштирокчиларини эълон килади (агар бўлса).

14.5. Таклифни хисобдан чикариш ҳакидаги хабарномалар берилган таклифлар очилмайди. Танлаш хужжатларида белгиланган муддатдан кейин тушган таклифлар кўриб чиқилмайди. Таклифларни тақдим этиш санаси танлаш ташкилотчисининг таклифларни олинганлиги ҳакидаги почта хабарномасидаги белги бўйича ёки танлаш ташкилотчисининг таклифларни иштирокчиларга берилган санаси ҳакидаги хабарнома санаси бўйича (таклифларни кўлда етказиб берган ҳолларда) аникланади.

14.6. Йиғма жиллар таркибини ўрганиш ва баҳолаш, шунингдек танлаш ғолибини аниклаш ёпик йиғилишларда амалга оширилади. Танлаш таклифларини ўрганиш ва баҳолашга оид ахборот ошкор килинмайди, конунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

14.7. Тақдим этилган таклифларнинг очилгунга кадар бутлиги учун жавобгарлик танлаш ташкилотчиси зиммасида бўлади.

14.8. Агар ТАЖда бошка ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифларни баҳолаш даври танлаш ташкифлари очилган кундан эътиборан узоги билан 10 кунни ташкил этади.

14.9. Танлаш комиссияси ташкил конвертни (1-йиғма жилд хужжатларини) очади, таклифларни тўғри тўлдирилганлиги, имзоланганлиги ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади, танлаш иштирокчилар малакасини баҳолашни амалга оширади.

14.10. Малака баҳоланганидан сўнг малакадан ўтган ва 2 йиғма жилдни очилишига рухсат олган танлаш иштирокчилари эълон қилинади. Танлаш комиссияси 1-йиғма жиллар таркибини ўрганиш ва баҳолаш натижалари эълон қилинмасдан олдин танлаш иштирокчиларнинг 2-йиғма жилларини очишга хакки йўқ.

14.11. Танлаш комиссияси ички конвертни (2-йиғма жилд хужжатларини) очади, уларни ўрганади, баҳолашни ўтказади, ғолибни аниклади ёки бошка карорларни кабул килади.

14.12. Танлаш комиссиясининг барча карорлари кўпчилик овоз билан кабул қилинади, овозлар тенг бўлгандага комиссия раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

14.13. Малакани баҳолаш ва якуний баҳолаш танлаш комиссияси тасдиклаган ва ушбу йўрикноманинг иловаларида кўрсатилган баҳолаш мезонларига биноан амалга оширилади.

14.14. Танлаш комиссияси томонидан танлаш иштирокчилар тақдим этган маълумотлар нотўғрилиги аникланган ҳолда, танлаш комиссияси ушбу танлаш таклифини рад қилишга хакли.

14.15. Танлаш комиссияси танлаш хужжатлари талабларидан таклифдаги аҳамиятсиз фарқларни эътиборга олмасликка хакли, агарда улар бошка катнашчилар рейтингига таъсир килмаса.

14.16. Марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларни баҳолаш Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига биноан ва ТАЖда кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

14.17. Танлаш комиссиясининг ҳар бир йиғилишида баённома юритилади.

14.18. Танлашга киритилмаган ёки рад қилинган (дисквалификация қилинган) таклифлар баённомаларда кайд этилиб, уларни рад қилиш ёки дисквалификация килиш сабаблари кўрсатилади.

14.19. Танлаш комиссияси танлаш таклифларини батафсил ўрганиш ва баҳолаш учун баҳолаш гурухларини тузиши мумкин. Баҳолаш гурухларининг таркиби танлаш комиссияси аъзолари билан биргаликда жалб қилинган эксперт ва консультантлар (танлаш комиссиясининг карори бўйича) киритилиши мумкин. Баҳолаш гурухларининг аъзолари танлаш комиссияси аъзолари каби танлашни ташкиллаштириш ва ўтказишга доир конунчиликка ва мазкур танлаш хужжатлари талабларига риоя этиш масъулиятини ўз зиммаларига оладилар.

#### XV. ТАКЛИФЛАРНИ ТУШУНТИРИШ

15.1. Танлаш комиссияси таклифларни баҳолаш ва тақкослаш учун тақлифи танлаш комиссияси мажлисида кўриб чиқиши вактида танлаш иштирокчиларидан таклифлар мазмунига тушунчалар беришни сўраши мумкин. Бунда тақлифнинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл кўйилмайди.

#### XVI. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ

##### (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)

16.1. Танлаш иштирокчисини талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шакллар ва уларга илова қилинган, унинг тақлифида тақдим этилган тасдикловчи хужжатлар ўрганилади.

16.2. Танлаш иштирокчилари тақлифларини баҳолаш уларни техник жиҳатдан амалга ошириш юзасидан ТАЖда кўрсатилган танлаш тақлифларини баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади. Ўрганиш натижалари бўйича баҳолаш гурухи аъзолари танлаш тақлифларининг баҳолаш варакларини тўлдиришади (техник баҳолаш вараги ТАЖда алоҳида иловаларда намунавий жадвалда тақдим этилади).

16.3. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, баҳолаш вараги қўйидаги шаклда тўлдирилади:

#### ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВАРАГИ

##### (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)

Т/р	Параметрлар номи	Шакл	Максимал балл	Танлаш иштирокчилари		
				5	6	7
1	2	3	4			
1	Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати	1-шакл	Изоҳга қаранг			
2	Танлаш иштирокчиси ҳакида умумий маълумотлар	2-шакл	19			
3	Охирги уч йилдаги молиявий ахволи ҳакидаги хужжатлар, аудитор компаниясининг хulosаси ёки молиявий натижалар ҳакидаги ҳисботлар (баланс ҳисботлар)нинг нусхаси билан Танлаш иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга кодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот	3-шакл	34			
4	Объектнинг буюртмачи белгиланган бошлангич нархининг 20 % гача микдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги	Банк маълумот-номаси				
5	Тендер иштирокчисининг иш ҳаки жамғармаси ва ходимлар ўртаси сони бўйича кўрсаткичлар	4-шакл				
6	Танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси	5-шакл	25			
7	Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари	6-шакл	15			

	рўйхати					
8	Танлаш иштирокчиси танлаш вактида иштирок этаётган ва мазкур танлашнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган шартномалар (объектлар) ҳакида маълумот	7-шакл	Изоҳга каранг			
9	Қурилиш майдонини кўрганлик тўғрисидаги маълумотнома	8-шакл	7			
<b>Жами баллар</b>			100			

**Изоҳлар:**

Танлаш иштирокчиси баҳолаши якунларига кўра 60 балдан кам балл тўпласа (келгусида – ўтиши баллари), танлаш комиссияси аъзоларининг овози қарши ҳисобланаб, техник жиҳатдан малакаси етарли эмас деб ҳисобланади, агар ТАЖда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса.

Таклиф қўйидаги ҳолларда кўриб чиқилмайди ва хужжатларнинг 2-ийғма жилди очилмасдан танлаш иштирокчисига қайтарилади:

- агар таклиф танлаш комиссиясининг овоз берииш натижаларига кўра техник малакаси етарли эмас деб топилса;

- 1, 3, 4, 5 ва 8 шакллар мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса.


Агар шартномани тузиши мўлжаланаётган сана вақтига баҳолаши мезонларига биноан таъмирлашини амалга ошириш учун керакли барча машина ва механизмлар бошқа обьектларда ишга жалб қилинадиган ҳолларда 7-шакл баҳоси 0 га тенглаштирилади. Бошқа ҳолларда баҳолаши интерполяция йўли билан амалга оширилади.

2, 3, 6 ва 7-шакллар мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, уларни баҳоси 0 га тенглаштирилади.

Танлаш иштирокчиси ташкилотнинг раҳбари бўлмаган ёки 9-шаклда келтирилган шакл бўйича ишончномага эга бўлмаган танлаш иштирокчиси вакили танлашда ҳозир бўлишга ва танлаш таклифини (офертани) имзолашга ҳақли эмас.

9-шакл мавжуд бўлмаса танлаш таклифи ва келгусида буюртмачи ва танлаш голиби ўртасидаги пурдат шартномасини фақат танлаш иштирокчиси ташкилотнинг раҳбари имзолаш ҳуқуқига эга.

Баҳолаш гурухи аъзолари:   
(имзоси)

  
(Ф.И.О.)  
(санаси)

**16.4. Танлаш комиссияси танлаш иштирокчиси**

дан уни малака талабларига жавоб беришини тасдикловчи далилларни расмий шаклда тақдим этишини талаб қилишга ҳақли.

16.5. Зарур бўлганда танлаш комиссияси 1-ийғма жилд хужжатларида келтирилган маълумотларни батафсил ўрганиш ва тўғрилигини текшириш учун комиссия таркиби ва жалб этилган мутахассислардан иборат баҳолаш гурухини тузишга ва кейинчалик комиссияга тегишли холосани киритишга ҳақли.

16.6. Баҳолаш гурухи тузилган ҳолатда танлаш комиссияси аъзоси баҳолаш гурухининг тавсиялари асосида кабул қилишга ёки танлаш таклифлари баҳолаш варагини мустакил тўлдиришга ҳақли.

16.7. Танлаш комиссияси танлаш иштирокчисининг интеллектуал мулкига ва тижорат сирига тажовуз килишга ҳақки йўқ.

## **XVII. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ, ТАНЛАШ ГОЛИБИНИ АНИҚЛАШ**

17.1. Молиявий таклифларни очиш ва баҳолаш танлаш комиссияси томонидан танлаш таклифларининг биринчи йиғма жилларини тасдиклаш ва уларни кўриб чиқиш натижалари эълон қилинганидан сўнг амалга оширилади.

17.2. Иккинчи йиғма жилларни очилишига малака танлашидан муваффакиятли ўтган танлаш иштирокчиларига рухсат этилади.

17.3. Иккинчи йиғма жилларни очилиши мазкур танлаш иштирокчилари йўрикномасининг XIV боби талабларига асосан амалга оширилади.

17.4. Танлаш комиссияси таклифларни бутлигини текширади, 2-ийғма жилд хужжатларини тўғри тўлдирилганини, имзолангани ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади.

17.5. Агар танлаш комиссияси томонидан 2-ийғма жилдаги таклиф хужжатларининг бирортасини танлаш хужжатлари талабларига жавоб бермаслиги аникланган тақдирда танлаш иштирокчисининг таклифи рад этилиб, унинг мазмуни эълон қилинмасдан танлашдан четлатилади.

17.6. Танлаш комиссияси таклифлари 17.5-банднинг талабларига зид бўлмаган танлаш иштирокчиларининг 1-иловада кўрсатиб ўтилган нархи ва ишларни якунлаш муддатларини ўқиб эшилтиради.

17.7. Сўнгра таклифлар арифметик текширудан ўтказилиб, таклиф таркибида келтирилган обьектда бажариладиган иш ҳажмлари билан танлаш хужжатлари таркибида келтирилган иш ҳажмларини солиштириш амалга оширилади ва танлаш таклифларига молиявий баҳо берилади.

17.8. Арифметик хатолар мазкур танлаш иштирокчилари йўрикномасининг 8.4 ва 8.5-бандларига биноан тузатилади.

17.9. Зарур бўлганда, танлаш комиссияси 2-ийғма жилд хужжатларида келтирилган маълумотларни, хусусан хисоб-китобларнинг иктиносидий асосланганлиги, иш хажмлари танлаш хужжатларига жавоб бериши ва бошқа ҳолларни батафсил ўрганиш учун комиссия аъзолари ва жалб этилган мутахассислардан иборат баҳолаш гурухи тузиш хуқукига эга.

17.10. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, барча молиявий таклифлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида баҳоланади (ўтказилади).

17.11. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, танлаш иштирокчиларининг таклифлари қўйида кўрсатилган танлаш таклифларининг молиявий баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади:

#### ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИ МОЛИЯВИЙ ҚИСМИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Т/р	Иловаларни баҳолаш параметрларининг номи	Баллар миқдори	Танлаш иштирокчисилар		
<b>I. Таклиф этилаётган нарх. I-илова (35 балл)</b>					
1.	Буюртмачининг бошланғич нархи – 10 балл, таклиф этилган энг паст нархи – 35 балл. Таклифлар бўйича бошланғич ва энг паст нархлар ўртасидаги баллар формула ёрдамида интерполяция билан аниқланади* (изоҳга каранг). Танлаш иштирокчиларининг буюртмачи бошланғич нархидан юқори таклифлари рад этилади.	10-35			
<b>II. Курилишни яқунлашни таклиф этилаётган муддати. I-илова (5 балл)</b>					
1.	Ижро муддати танлаш хужжатларида белгиланганга мос ёки кам.	5			
2.	Танлаш хужжатларида белгиланган ижро муддатидан ортган ҳар 10 кун учун 1 балл олиб ташланади, лекин 5 баллдан ортиқ эмас.	1-5			
<b>III. Биринчи йиғма жилдни баҳолашдаги баллар миқдори.</b> <b>Танлаш таклифларининг баҳолаш варғи (техник баҳолаш). (60 балл)</b>					
1.	Танлаш таклифларини техник баҳолаш якунига кўра энг кўп балл тўплаган танлаш иштирокчисига – 60 балл; 2-ийғма жилларни очилишигача киритилган ва танлаш таклифларини техник баҳолаш якунига кўра ўтиш бали билан тенг тўплаган танлаш иштирокчисига – 45 балл; колган таклифлар бўйича баллар интерполяция билан аниқланади.	45-60			

#### Изоҳлар:

a) танлаши шитирокчиси тақлифи қўйидаги ҳолларда рад этилади (дисквалификация қилинади):

- 1, 2, 3, 4 сон иловалардан биронтаси, шунингдек 4-иловадаги жамланма жадвал мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, тақлиф рад этилади ва хужжатларнинг 2-ийғма жилди мазмуни эълон қилинмасдан қайтарилади;

- тақлифда кўрсатилган ишлар ҳажми танлаш хужжатларида кўрсатилган ишлар ҳажмига тўғри келмаса;

б) малакали деб топилган ва преференцияларни қўйиган ҳолда энг кўп балл тўплаган танлаши шитирокчисининг тақлифи голиб деб ҳисобланади;

в) баллар тенглигида тақлиф этилган энг кам нархли тақлиф танланади.

\* Таклифлар бўйича бошланғич ва энг паст нархлар ўртасидаги балларни аниқлаши интерполяция формуласи:

$$A = 10 + ((СЦЗ-ЦП)*25)/(СЦЗ-НПЦ), бу ерда$$

А – молиявий тақлиф учун баллар миқдори;

10 – танлаши шитирокчиси нархи учун берилган, буюртмачининг бошланғич нархига тенг бўлган, баллар миқдори;

СЦЗ – (ББН) буюртмачининг бошланғич нархи;

ЦП – (ТН) танлаши шитирокчиси нархи;

25 – молиявий тақлиф учун берилган энг кўп ва энг кам (35-10) баллар миқдорининг фарқи;

НПЦ – (ЭТН) энг кам тақлиф этилган нарх.

\*\* Биринчи йиғма жилд тақлифларининг якуни баҳолари бўйича балларни аниқлаши интерполяция формуласи:

$$B = 45 + ((КБ1П-ПБ)*15)/(НБКБ1П-ПБ), бу ерда$$

Б – биринчи йиғма жилд якуни баҳоси бўйича баллар миқдори;

45 – ўтиши баллига тенглаштирилган биринчи йиғма жилд баллари;

КБ1П – (ПБМ) танлаши шитирокчисининг биринчи йиғма жилд бўйича тўплаган баллар миқдори;

ПБ – (ЎБ) биринчи йиғма жилд бўйича ўтиши бали;

15 – энг кўп ва энг кам (60-45) баллар якуни баҳоси бўйича фарқи;

НБКБ1П – (ПЮБМ) танлаши шитирокчисининг биринчи йиғма жилд бўйича тўплаган юқори баллар миқдори.

17.12. Агар ТАЖда бошка маълумотлар келтирилмаган бўлса, ўрганиш натижаларига кўра, баҳолаш гурухи аъзолари танлаш таклифларининг куйидаги баҳолаш якуний жадвалини тўлдиришади:

#### ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЯКУНИЙ ЖАДВАЛИ

Т/р	Параметр номи	Иловалар	Максимал баллар	Танлаш иштирокчисилар		
1	Таклиф этилаётган нарх (нарх преференцияларини хисобга олган холда)	1-илова	35			
2	Курилишни якунлашни таклиф этилаётган муддати	1-илова	5			
3	1-ийғма жилдни баҳолаш бўйича баллар микдори	Танлаш таклифларини баҳолаш вараги (техник баҳолаш)	60			
<b>Жами баллар</b>			<b>100</b>			

Баҳолаш гурухи аъзолари:

(имзои)

2. Маликахонов

(Ф.И.О.)

(санаси)

19.04.2022

#### XVIII. ТАНЛАШ ГОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

18.1. Танлаш ғолибини эълон килиш танлаш иштирокчилари иштирокида ўтказилади. Иштирок этмаган танлаш иштирокчилари белгиланган тартибда хабардор қилинади.

18.2. Пудрат шартномасини танлаш ғолибига берилгани юзасидан танлаш комиссиясининг карори охирги хисобланади ва муваффакият козонмаган танлаш иштирокчилар билан кейинчалик бу масала бўйича баҳс ва мунозаралар ўтказилмайди.

18.3. Танлашларда муваффакият козонмаган танлаш иштирокчилари суд инстанцияларига мурожаат этиш ҳуқукига эга. Суд идоралари сўровига кўра, танлаш комиссияси раиси танлаш комиссиясининг хар бир иштирокчиси ва буюртмачи кўрсатилган танлаш иштирокчиларини катнашишдан четлаштириш сабабларини батафсил тушунтиришни ёзма равишда такдим этадилар.

#### XIX. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ, ОБЪЕКТ СУФУРТАСИ

19.1. Агар ТАЖда бошка ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифни кабул қилиш ҳакидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 10 (үн) кун давомида ғолиб ТАЖда кўрсатилган шакл ва сумма бўйича пудрат шартномасини имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошка сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

19.2. Пудрат шартномаси, қурилиш пудрат ташкилотларининг мулкчилик шаклидан катъий назар кўшилган киймат солиғини хисобга олган холда, танлаш ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг ҳеч бири Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ бошқа томон билан келишмаган холда ўзгартиришлар киритишига ва бошка шартларни таклиф этишга ҳакли эмас (ТАЖга каранг).

19.3. Агар танлаш ғолиби мазкур танлаш ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, танлаш комиссияси билан биргаликда, таклифи иккинчи ўринни олган танлаш иштирокчисини танлаш ғолиби деб топиши ёки тақорири танлаш ўтказишни тайинлаши мумкин.

19.4. Буюртмачи ғолибни розилигисиз, мазкур танлаш ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси конунчилигига кўзда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош торган тақдирда, ғолиб иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳакли.

19.5. Танлаш ғолиби қурилиш (реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш) суфуртасини конунчиликда белгиланган тартибда таъминлади.

#### XX. ТАНЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ, ШАРТНОМАВИЙ МАЖБУРИЯТЛАР ИЖРОСИ МОНИТОРИНГИ

20.1. Буюртмачи танлаш якунланган кундан кейин беш кунлик муддат ичida маҳсус ахборот порталida танлаш натижалари (предмети, ғолиби, шартномавий нархи ва инвестицион лойихани бажариш муддати) ҳакида эълон чоп этади.

20.2. Танлаш натижаларига кўра эркин муомаладаги валютада тузилган шартнома белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

20.3. Буюртмачи ва пудратчи (танлаш ғолиби) ҳар ойда томонларнинг танлаш талабларини бажарилиши ҳакидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг қурилишда танлаш савдоларини ташкил этиш консалтинг марказига белгиланган тартибда такдим этишга мажбур.

#### XXI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

21.1. Танлаш куйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади, агар:

- таклифларни бериш муддатини якунланишига учтадан кам таклиф келиб тушса;

- агар таклифларни кўриб чиқиши натижасида танлаш комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки факат битта таклиф танлаш ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса:

- танлаш иштирокчилари таклиф этган нархлар танлаш предметининг бошлангич кийматидан ошик бўлса;
- танлаш комиссияси томонидан асосланган бошка ҳолатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда танлаш ўтказилмаган деб топилса.

21.2. Танлашни бўлиб ўтмаган деб эълон килиниши танлашнинг бирон-бир иштирокчиси (танлаш комиссияси, буюртмачи, ташкилотчи, танлаш иштирокчилар)ни мулкий ёки бошка жавобгарликка тортилишига олиб келмайди.

21.3. Агар танлаш бўлиб ўтмаган деб топилса, тақорий танлаш ўтказилади. Бунда танлаш хужжатлари талабларини қайта кўришга руҳсат этилади.

## XXII. ТАНЛАШ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлаш предмети бўйича ва танлаш хужжатларнинг кўшимча маълумот ва талаблари маҳсус коидаларини ўз ичига олади.

T/p	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	Бандихон тумани мактабгача таълим булими
2.	Объект номи:	Бандихон тумани Обикор махалласилаги 7-сонли МТТ худудини девор билан чегаралаш ишлари
3.	Танлаш тартиб раками:	№ 2
4.	Танлаш тури:	Очиқ танлаш.
5.	Танлаш хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	<a href="https://dxarid.uzex.uz">https://dxarid.uzex.uz</a> маҳсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин,
6.	Танлашни ўтказиш манзили, жойи ва муддати:	Бандихон тумани Бандихон махалласи
7.	Декларация шакли:	1-шакл ёки Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати объект бошлангич нархининг 0,5% ташкил киласди. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолатини олган кунидан бошлаб 1 ой амал килиш муддати
8.	Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга руҳсат этилади:	<a href="https://dxarid.uzex.uz">https://dxarid.uzex.uz</a> маҳсус ахборот порталаида эълон килинади.
9.	Танлашда иштирок этишга қўйидаги танлаш иштирокчиларига руҳсат этилади:	Етарли машина-механизмлар билан таъминланган, соҳа бўйича зарур курувчи-муҳандисларга ва ўхшаш объектлар курилишида бой тажрибага эга бўлган, молиявий баркарор ташкилотлар иштирок этадилар. Қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамалиги мавжуд бўлмаганларга. Икки ёки ундан ортиқ пурдат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига руҳсат этилмайди.
10.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари. (агар мавжуд бўлса):	Кўлланилмайди.
11.	Танлаш иштирокчиларининг танлаш хужжатлари бўйича тушунтиришлар олиш муддати:	Эълон килинган кундан бошлаб 5 кун давомида.
12.	Танлаш таклифларини тақдим килиш муддатлари:	Офёрталарни тақдим этишининг охирги муддати порталда белгиланган танлашнинг якуний муддатига кадар.
13.	Танлаш хужжатининг тили:	Ўзбек/рус тиллари
14.	Танлаш таклифининг амал килиш муддати:	Танлаш таклифлари очилгандан кейин 20 кундан кам бўлмаган муддат.
15.	Танлаш предметининг обьектида ишлатиладиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизmlари, асбоб-ускуналари:	6-шаклига асосан “Ишларни бажаришда фойдаланадиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизmlари рўйхати”.
16.	Танлашда иштирок этиш учун талаб килинадиган айланма маблаглари миқдори.	Талаб килинадиган айланма маблаглари миқдори 20 физи миқдорида.
17.	Кўшимча хужжатлар рўйхати:	Танлаш ташкилотчисининг устави таъсисчиси, давлат рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома, , банкдан маълумотнома картотека, кредит буйича ва бошка мажбурий тўловлар йўклиги тўғрисида ваколатли органнинг маълумотномаси. Ходимларнинг диплом нусхаси, ишга қабул килинганлиги тўғрисида бўйрук, меҳнат дафтарчаси нусхаси, машина ва механизmlар тех паспорти, ижара шартномаси, низом, гувоҳнома нусхаси. Хар бир обьект буйича курилишда ишлатиладиган машин ва

		механизмлар руйхати тулик илова килиниши. Хар бир объект буйича тендерга эълон берган вактида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тулик курсатилиши шарт. Мехнат дафтарчалари ва буйрук хар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси булиши керак. Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳолангандаги нотўғри маълумот берилса тендер хужжатлари кўрилмасдан кайтариб берилади ва чикариб юборилади.
18.	Танлаш таклифларини кабул килиш вакти ва манзили:	Бандиҳон туман Бандиҳон маҳалласи, тел: 91-906-80-50, . Иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача.
19.	Танлаш таклифларини очиш манзили:	Бандиҳон туман Бандиҳон маҳалласи, тел: 91-906-80-50, . Иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача.
20.	Танлаш таклифларини баҳолаш муддати:	Таклифлар бериш тугаганидан кейин 10 кун ичida
21.	Танлаш иштирокчиларининг техник ва молиявий кисмларини очилишига рухсат этиладиган танлаш иштирокчилари:	Танлаш хужжатларида кўрсатилган малакали шахслар.
22.	Буюртмачининг обьект бўйича бошлангич нархи:	ККС билан 415 000 000 сум.
23.	Буюртмачи томонидан белгиланган курилиш муддати	30 календарь кун.
24.	Молиялаштириш манбаси:	Бюджет маблаглари
25.	Таъмирлашни молиялаштириш тартиби:	Таъмирлаш ишларининг Муқаммал йилдаги кийматининг 30 % аванс (бўнак) (2 ойга тенг бўлган холда 15 %дан). Охирги тўлов - 70% фойдаланишнинг тўлов кафолат муддати тугаганидан сўнг.
26.	Шартнома тили:	Ўзбек тили
27.	Шартнома валютаси:	Ўзбек сўмда